АВЕСТОДА ОДОБ-АХЛОҚ МАСАЛАСИ

Бердияр Балтабаевич Сапаров
Тошкент давлат аграр университети доценти

Асқар Бердиярович Сапаров
Тошкент давлат аграр университети талабаси

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада аждодларимизнинг буюк маънавий меросида таълим-тарбия ва маънавият масалаларига алоҳида эътибор берилган бўлиб, бу мерос Юртимизда қадимдан юксак маданият мавжуд бўлганидан далолат беради. Ушбу мақолада одоб- ахлоқ , таълим- тарбия, маънавият тўғрисида бой маънавий меросимиз “Авесто”да илгари сурилган ғоялар ҳақида сўз юритилади.

Калит сўзлар: Авесто, маънавият, одоб-ахлоқ, таълим-тарбия, ҳақиқат, Яздон, зардуштийлик, Ҳот, Яшт.

THE ISSUE OF ETHICS IN “AVESTO”

Berdiyar Baltabayevich Saparov
Associate Professor of Tashkent State Agrarian University

Askar Baerdiyarovich Saparov
Student of Tashkent State Agrarian University

ABSTRACT

This article pays special attention to the issues of education and spirituality in the great spiritual heritage of our ancestors, which testifies to the existence of a high culture in our country from ancient times. This article discusses the ideas put forward in Avesto about our rich spiritual heritage of morality, education and spirituality.

Keywords: Avesto, spirituality, morality, education, truth, Yazdan, Zoroastrianism, Hot, Yasht.

КИРИШ

“Авесто” дунёдаги энг қадимги ёзма манбалардан бири бўлиб, Марказий Осиё халқларининг қадимги даврдаги тарихи, турмуши, урф- одатлари, динлари, маънавияти ҳақида жуда қимматли маълумотлар беради.”Авесто” милоддан аввалги VII асрнинг охири ва VI асрнинг бошларида яратилган. Унга Зардушт асос солган, энг сўнгги таҳрири милодий VI асрда тугалланган. Демак, “Авесто”

бир неча минг йилдан ортиқ муддатни ўз ичига олган воқеаларни қамраб олган бўлиб, унда фақат диний маълумотларнинг ўзигина бўлмай, балки тарихий ҳодисалар ҳам ўрин олган. Шу сабабли “Авесто” Марказий Осиё ва Эрон халқларининг қадимий маданиятини (эътиқоди, тили, адабиёти), қисман тарихини ўрганишда асосий манба ҳисобланади.

Зардуштийликда Аҳура Мазда азал мавжуд ва абадий илоҳ сифатида алоҳида мавқега қўйилган. Умуман, барча эзгу борлиқ унинг томонидан яратилган дейилади. Ҳар бир эзгу хилқатнинг ёвуз зидди эса Ахриман тимсолида яратилади. Умумлаштириб айтганда, деб ёзади профессор И.Хўжамуродов,- “Авесто”да яхшилик ва ёмонлик, ёруғлик ва зулмат, эзгулик ва ёвузлик бир-бирига қарама - қарши кучлар сифатида Аҳура Мазда ва Ахриман тимсолларида баён этилади. “Авесто”да дастлабки фалсафий қарашлар билан диний - афсонавий тасаввурлар уйғунлашиб кетади. Шу заминда маънавий - ахлоқий баркамол одам уйғунлик - эзгуликни барқарор қила оладиган курашчан, адолатпарвар инсонни шакллантириш ғояси марказий ўринни эгаллайди”.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

“Авесто”даги ўлмас ғояларнинг бугунги кундаги аҳамияти тўғрисида Биринчи Президентимизнинг қуйидаги фикрлари эътиборга сазовар:”Авесто”нинг туб маъно- моҳиятини белгилаб берадиган “Эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу амал” деган тамойилни оладиган бўлсак, унда ҳозирги замон учун ҳам беҳад ибратли бўлган сабоқлар борлигини кўриш мумкин. Ана шундай фикрлар , яъни, эзгу ният,сўз ва иш бирлигини жамият ҳаётининг устувор ғояси сифатида талқин этиш бизнинг бугунги маънавий иделларимиз билан нақадар узвий боғлиқ, нечоғлиқ мустаҳкам ҳаётий асосга эга экани айниқса эътиборлидир”.

Дарҳақиқат,“Авесто”да инсоннинг маънавий дунёсини шакллантиришга қаратилган кўплаб ўлмас ғоялар, пандлар, ибратли фикрлар мавжуд. Шунингдек, муқаддас манбада Марказий Осиёдаги жуда кўп жойларнинг номлари қайд этилган. Мазкур ёдгорликдаги айрим қайд ва ишоралар, ном ва атамалар, “Биндахшин”нинг алоҳида фасллари зардуштийликнинг илк куртаклари пайдо бўла бошлаган даврларда ҳам ҳозирги Мовароуннаҳр ва Хуросон халқлари яшаган минтақаларда маънавият, таълим ва тарбия анча тараққий этганлигини кўрсатади.

“Тарбия,- дейилган “Авесто”да ,- ҳаётнинг энг муҳим (таянчи) тиргаги бўлиб ҳисобланиши лозим. Ҳар бир ёшни шундай тарбиялаш зарурки, у аввало

яхши ўқишни ва сўнгра эса ёзишни ўрганиш билан энг юксак поғонага кўтарилсин”.

Профессор Ҳ.Ҳомидийнинг ёзишича, ўша даврда аждодларимиз барча қавм ва қабила аҳллари орасида “лагомзадан” (отга сувлиқ солиш), “зин задан” (отни эгарлаш), “камарбастан” одатига қатъий амал қилинган. Масалан, чорвачилик билан шуғулланадиган қавмларда кўпроқ шу соҳага доир ҳунар ва малакалар ўргатилган: қиз болаларга юнгдан ип йигириш, урчуқ ва чархда ишлай билиш, ҳар хил либослар тўқиш, тикиш, юнг олишни билиш шарт бўлса, ўғил болалар эса молларни боқиш, урчитиш ва туғдириш, туя, отларни парваришлаб, уларни бошқара олиш, узоқ яйловларга сурув ҳайдаш, чорвани дарранда ҳайвонлар , қароқчилардан муҳофаза қилиш, ўттиз икки ҳарбий ҳунарни билишлари мажбурий бўлган.

Ана шу малакалар ҳосил бўлгач, қизлар 15, ўғил болалар 17 ёшида “лагомзадан” ва “зин задан” имтиҳонидан ўтган. Натижада улар балоғат ёшига етган, рўзғор юритишни ўрганиб, “кадбону” (уй бекаси), “кад худо” (уй хожаси, оила бошлиғи) бўлиш , чўпон чўлиғини олиб, от суриб, туя миниб юриш ҳуқуқини қўлга киритишган. Алоҳида иқтидорли йигитлар эса, човандозликка махсус тайёрланган, ҳарбий машқларда иштирок этган. Авестошунос олима Г.Махмудова ёзганидек, “Авестода қайд этилган ахлоқий ғоялар ибтидоий жамоа тузумида мавжуд бўлган энг қадимги ахлоқий тасаввурларнинг қоришмаси бўлиб, кейинги даврларда ижтимоий - тарихий шарт - шароитларга мувофиқ равишда ўзгарган, бойиган ва ривожланган”.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

“Авесто”да баён этилган Яхшилик руҳи - бу яратувчилик, бунёдкорлик кучи, ёмонлик руҳи эса бузиш ва бузғунчиликка олиб келади. Яхшилик ҳаёт рамзи, ерни одамлар фойдали ҳайвонлар ва ўсимликлар билан тўлдириш, инсоният умрини соғлиқ, куч- қудрат, бахт ва шодлик, умид ва ишонч, гўзаллик ва эзгу фикрат, тўкин- сочинлик билан мунаввар этмакдир. Ёмонлик эса бунинг акси, тескарисидир. Муқаддас манбада яхшилик, бунёдкорлик, эзгулик улуғланаяпти, инсон яхшилик қилмоғи учун, ерни севиши, уни ардоқлаши зарурлиги, шунингдек, фаол ва ҳақгўй бўлмоғи зарурлигига эътибор қаратилган. Шундагина инсоннинг фаоллиги ва ўз ишини билиши туфайли яхшилик дунёси кўпайиб, инсон ўз қалбидаги қат- қат ёмонлик, зулмат ва золимликдан фориғ бўлади.

“Авесто”нинг Гоҳлар қисмида Эзгулик илоҳи Аҳура Мазда шундай дейди:

“Ўзгаларни яхшиликка олиб борган кимсаларгагина яхшилик насиб этади”...

Ҳақиқат нурлари остида, Эзгу Ниятдан яралган маърифатингдан бизларга ҳадя қил, токи тириклигимизнинг ҳар лаҳза, ҳар соат, ҳар бир кунида шодмонликдан баҳраманд бўлайлик. Яхшилик, Маърифат, Эзгулик тўғрисидаги фикрлар одамларнинг қалбидан ўрин олишига, уларнинг покдоман бўлишларига ҳам “Авесто”да катта эътибор қаратилган. Қачонки,- дейилади пандномада,- Эзгу Ният менинг қошимга келди ва илк бор Сенинг каломингни эшитдим, иқрор бўлдимки, уни одамлар орасига олиб бормоқ боғоят оғирдир. Бироқ мен Сенинг энг эзгу бўлган каломингни, нима бўлмасин, сўнгигача еткаргайман. Шундан сўнг, мен Сени пок деб билдим.

“Авесто”нинг барча қисмлари инсонга ҳурмат туйғулари билан суғорилган: еру кўкдаги барча ҳаётий нозу неъматларни севиш ва ардоқлаш инсон учун муқаддас бурч ҳамда вазифа ҳисобланган.

Аждодларимиз мероси “Авесто”да болалар тарбиясига алоҳида эътибор берилган. Уларнинг фикрича, тарбияли бола ҳар нарсага қодирдир. Яъни, тарбияли бола энг аввало интизомли бўлади. Интизом эса барча эзгу ишларнинг асоси эканлигига улар ишонишганлар. Шу сабабли ҳам, фарзандларининг меҳнат малакасини оширишга, уларга ҳунар ўргатишга жиддий эътибор берганлар. Табаррук китобдаги мазкур вазифаларнинг қадри ва аҳамияти бугунги кунда яна ҳам ортди, чунки мамлакатимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларимизнинг натижаси кўп жиҳатдан ёшларимизнинг иқтидори, салоҳиёти, ташаббускорлиги, фидоийликлари, ватанпарварлиги ва маърифатига боғлиқдир.

Болаларнинг тарбияси ёшлигидан йўлга қўйилмас экан, катта бўлганидан кейин ҳам уни ўзгартириш мушкулдир. Шу сабабли болани ёш ниҳоллигидан эҳтиёткорлик билан парваришлаш керак. Республикамизнинг Биринчи Президенти Ислом Каримов “Юксак маънавият- енгилмас куч” номли асарида таъкидлаганидек,” Кўп йиллик илмий кузатиш ва тадқиқотлар шуни кўрсатадики, инсон ўз умри давомида оладиган барча информациянинг 70 фоизини 5 ёшгача бўлган даврда олар экан. Боланинг онги асосан 5-7 ёшда шаклланишини инобатга оладиган бўлсак, айнан ана шу даврда унинг қалбида оиладаги муҳит таъсирида маънавиятнинг илк куртаклари намоён бўла бошлайди. Халқимизнинг “Қуш уясида кўрганини қилади”, деган доно мақоли, ўйлайманки, мана шу азалий ҳақиқатни яққол тасдиқлайди”.

Дарҳақиқат, халқимизнинг мақоли “бола бошидан” деганларидек, ёшлигидаги тарбия бошқача ва таъсирли бўлади. Айнан мана шу даврда болалар

яхши - ёмон нарсани тушуниб, англай бошлашини, уларнинг мурғак қалбида Эзгулик ва Ёмонлик тушунчалари шаклланишини ота - боболаримиз теран англаганлар ва фарзандлари қалбида яхшилик уруғини ўстиришга ҳаракат қилганлар. Ана шу ўлмас ғоялар маданий ёдгорлигимиз “Авесто”да ниҳоятда таъсирли ва асосли қилиб тасвирланган. “Болалар,- дейилган тарихий манбада,- ёш пайтиданоқ дарахт ўтқазиш, уй- рузғор қуроллари ясаш, ерга ишлов бериш ва чорва билан шуғулланишга ўргатилиши шарт”.

(“Авесто”. Ясна,19,43,68-Ҳотлар,-18,22,57,63,76,86,96 бетлар) Муқаддас манбада , юқорида номлари келтирилган юмушларни бажариш шарт қилиб қўйилган, мажбурий воситаларга айлантирилган.

Аждодларимиз томонидан меҳнат доимо улуғланиб келинган, чунки меҳнат барча бойликларнинг асоси, ҳамма тўкинчиликнинг сабабчиси, бутун ноз - неъматларнинг яратувчисидир. Меҳнат энг аввало жуда катта тарбиявий воситадир. “Яхшилик,- дейилган илоҳий китобда,- меҳнат қилиши, ўз қўллари билан моддий ноз - неъматлар яратиши лозим”. Аксинча меҳнат қилмаётганлар танқид остига олинган, улар энг паст одамлар қаторига қўшилганлар. Айни вақтда дангасалардан бараканинг қочиши уқтирилган. **“Меҳнат қилмайдиган одам,-** дейилган “Авесто”да,- **сен ҳақиқатан ҳам тиланчилар қаторида ёт эшикларга таъзим қилиб, абадул- абад бош эгиб туражаксан”.** Ҳақиқатдан ҳам сенинг ёнингдан турли хил зироатларни олиб ўтадилар, бу ноз-неъматларнинг барчаси меҳнат қилаётган, тўқ фароват яшаётган хонадонга насиб этади. Абадул - абад шундай бўлажак!

“Инсон,- дейилган “Авесто”да,- **чорванинг кўпайишига, яйловларнинг гуллаб- яшнашига ёрдам берган тақдирдагина, деҳқончилик ва суғориш ишларида иштиёқ билан меҳнат қилгандагина, худо ёки унинг ёрдамчисининг иноятига ноил бўлғусидир”.** Жумладан, Авестонинг Митра қасидасида яйловларнинг гуллаб - яшнашига, чорванинг кўпайишига бағишланган қасидалар кўп. Муқаддас манбада ёзилганидек:

Ҳудудсиз яйловлар молики Митрага ва яхши ўтлоқлар соҳиби Раманага фараҳмандлик- дуо-ю олқиш, фараҳ ва шараф.

Аҳура Мазда сўз қотди:

Сипийтмон Зардуштга:

“Мен Митрани яратдим шундай,- Ҳудудсиздир унинг яйлови, Мен – Аҳура Мазда муносиб Ибодатлар ва олқишларга Муносибдир у ҳам батамом.

Биз Митрага топинамиз,

Яйловлари беҳаддир унинг.

Муқаддас манбадан келтирилган ушбу фикрлар аждодларимиз фарзандларини одобли – ахлоқли қилиб тарбиялашга, уларга касб-ҳунар ўргатишга ёшлигидан алоҳида аҳамият берганликлари ҳақида қимматли маълумот беради. Ушбу ибратли ишлар фарзандларининг бахту саодати, уларнинг келажаги учун амалга оширилган. Шунинг учун ҳам улар ёшларнинг одобли, билимдон ва ақлли, меҳнатсевар, имон- эътиқодли, маърифатли, тарбияли бўлишларига алоҳида берганлар.

Зардуштийлик дини, яъни якка Тангрига эътиқод расман қабул қилингач, ўлкамизда таълим - тарбияга эътибор янада кучайди. Ибодатхонада – оташкадалар ҳузурида подшолик тасарруфидаги махсус мактаблар очилади, мадраса типидаги билим даргоҳлари ташкил қилинади, уларнинг таълим тизими ишлаб чиқилади; таълим жараёнига энди математика, астраномия, тиб билими, тарих, ҳуқуқшунослик, гигиена сингари фанлар тобора кўпроқ кириб боради; бунда ёшларнинг таълим- тарбияси, маънавий камолатига ҳам алоҳида эътибор берилади.

Тадқиқотчилар (Ҳ, Ҳомидий, Г.Махмудова)нинг фикрича, ёшларга таълим - тарбия беришда ҳар бир зардуштийнинг поктийнат, хулқи ҳалол, қўли тўғри, некбин бўлиб вояга етказилиши кўзда тутилган. Ана шу эҳтиёж ва талаблардан келиб чиқиб “Авесто”да тарбиячилар, муаллимлар, устоду мударрисларнинг бурчлари белгиланган, улар зиммасига жамиятнинг энг муҳим юки топширилганлиги қайта- қайта уқтирилган. Натижада муаллим ва мударрислар ўз илмини нечоғлик ўзлаштирганлиги, касбига муносабати, чечан, уддабурон, фидойилиги, танбал, бефарқ ва маъсулиятсизлигига қараб “яхши” ва “ёмон” устозларга ажратиб изоҳланган, баҳо берилган.

“Авесто”да қайд этилганидек, яхши устозлар “соғлом ақл - ҳушли фарзандларни, жасур, доно ва турли тилларни биладиган ўғил- қизларни, элни бало-қазолардан ҳимоя эта оладиган ўғлонларни, яхши келажак, порлоқ ҳаётни равшан кўз билан кўра оладиган авлод”ни тарбиялайди. У ёшлар қалбида ўз дини, халқи, юртига меҳр уйғотади, уларни ҳалол меҳнат эвазига ризқу - рўз топиб яшашга ўргатади, покдоманлик, ҳамкорлик, одамларга фақат яхшилик исташ ўқувчиларга фақат донишманд устозлардан юқади. Муқаддас манбада айтилганидек, яхши устоз ёшларни рост йўлга бошламоғи, яхшилик йўлида раҳномалик қилмоғи, уларнинг қалбига ҳаётга муҳаббатни сингдирмоғи лозим. “Авесто”да қиз болалар тарбиясига алоҳида эътибор бериш лозимлиги бир неча ўринда махсус таъкидланган: “Ўғил болаларга нисбатан қиз болалар илму дониш ўрганишга жиддийроқ киришсинлар. Зероки, улар ота - она хонадонида бўлган вақтларида ота рузғорини тартибга солиб, зийнат бериб борсалар , жуфти ҳалоли

манзилига боргач, болалар тарбияси, таълим билан, келажак насл тарбияси билан машғул бўлмоқлари лозим бўлади". Муқаддас манбада ҳар бир фарзанд бирон касб билан шуғулланиши, банд бўлиши, меҳнат қилишига алоҳида эътибор берилган. Шунингдек, бировларга муҳтож бўлиб, тиланчилик қилишлик қораланган. Ана шу талабдан келиб чиқиб, таълимнинг амалиёт билан боғланиб олиб борилишига аждодларимиз жиддий эътибор беришган.

"Авесто"да **"озиқ - овқатнинг яхшиланиши билан, -халқнинг ахлоқ - одоби ҳам кучаяди",-** дейилган. Чунки, ахлоқ - одобдаги ижобий ўзгариш уларнинг тарбиясига ҳам таъсир қилади. Оламдаги барча эзгуликларнинг, бунёдкорликларнинг асоси меҳнат эканлигига алоҳида урғу берилган.

"Авесто"нинг Ҳот ва Яшт қисмларидаги кўпчилик парчаларда яхшилик ёмонликка, адолат зулмга, донолик нодонликка зид қўйиб тасвирланиб, биринчиси олқишланиб, иккинчиси иллат сифатида қораланганидек, яхши устозлар нодон устозларга қарши қўйиб тасвирланган. Ёмон устоз ўз лоқайдлиги, фаросатсизлиги, билимини , малакасини такомиллаштириш устида заҳмат чекмаслиги билан ёш авлоднинг ақлининг ўсишига, маънавиятининг қашшоқлашувига сабаб бўлади: "Улар ўз нотўғри таълими билан халқни энг яхши юмушлардан бездирадилар".

"Авесто"да ёмон тарбиячилар қораланиб, уларни ёшларни тўғри йўлдан адаштирувчилар деб танқид қилинган:

Ёмон тарбиячи ўз таълими билан илоҳий сўзларни тескари қилади ва тириклик идрокини хароб айлайди.

Ҳақақатда у одамларни ростликнинг бебаҳо сармоясидан ва Эзгу Ниятидан баҳрасиз айлайди.

Ҳақиқатда, ўшалар тирикликни тубанликка итариб ташлашади. Улар каззоб дурвандларни улуғ санаб, кўкларга кўтарадилар. Аёл ва эрларни илоҳий каломлардан баҳрасиз қолдирадилар.

Эй, Мазда!

Улар ҳақиқат йўлидаги ашаванларга ғов бўладилар.

Улар бу таълимотлари билан инсонларни энг солиҳ амалларидан манъ этадилар.

Улар оламлар аҳли тириклигини ўзларининг адаштирувчи ҳукмлари билан паришон этадилар.

Тарихий манбада ёмон муаллим, одамларни тўғри йўлдан қайтариб, жоҳилият сари етаклайди, Ватан равнақи, одамларнинг ижодий меҳнатини кўра олмайди, ер очиб, ерни шудгор қилиб, ҳалол меҳнат билан экин экканларга, боғдорчилик, зироатчилик билан шуғулланиб, чорвани кўпайтириб, бунёдкорлик қилганларга ёмон кўз билан қараб, одамларни бебаҳо анъаналардан маҳрум қиладилар.

ХУЛОСА

Тадқиқотчиларнинг ёзишича, “Авесто”да инсон бутун умри давомида сув, тупроқ, ҳаво, олов, умуман дунёдаги жамики яхши нарсаларни пок ва бус - бутун асрашга бурчли эканлигига алоҳида эътибор берилган. Шунингдек, “Авесто”да одамийлик, инсон бахт - саодати учун кураш улуғланган. Жумладан , қуйидаги фикрлар илгари сурилган: Яхши фикр, илоҳий қонун руҳидаги , яқин кишисига меҳрибон бўлиш, муҳтожлик ва хавф- хатар остида қолганда кумаклашишга шайлик, ёвузликка қарши, кишилар бахт- саодати учун фаол курашишга шайлик, ҳамма билан аҳил ва тотувликда ўз маслакдош биродорлари билан дўстлик ва ҳамжамиятлиликда яшашга интилиш руҳидаги ниятлар ва фикрлар мусаффолиги тарғиб қилинган. Инсон ўз фикр - хаёлида бошқаларга ҳасад қилмаслиги лозимлигига алоҳида эътибор қаратилган, яхши ниятли инсонлар амалий фаолиятларида ҳамиша эзгуликни тараннум этиб, маърифатни тарғиб қилиши ва шу асосда жамиятда жаҳолатга қарши курашда муҳим ўрин тутишига эътибор қаратилган”.

Адолат, ҳақиқат, эзгулик, бунёдкорлик, маърифатпарварлик, фарзандлар тарбияси доимо аждодларимиз диққат - эътиборида бўлган. Ҳақиқатнинг мезони тўғрилик, ҳалолликдир. Шунинг учун ҳам “Авесто”да ҳақиқат мадҳ этилган, улуғланган. Чунки, ҳақиқат қарор топган жойда ўзаро ишонч, меҳр - оқибат қарор топишини, у ерда барқарорлик, тинчлик ва ривожланиш учун шарт - шароит бўлишини аждодларимиз яхши билганлар ва шу сабабли ушбу ғояларни фарзандлари онгига сингдиришга, уларни одобли- ахлоқли қилиб тарбиялашга алоҳида эътибор берганлар. “Авесто”нинг ҳаётбахш бу ҳикматлари бугунги кунда ҳам инсонларга беминнат хизмат қилиб, уларни маънавий бойитмоқда. Мамлакатимизда мустақиллик йилларида маънавий- маърифий соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар, халқимизнинг бой тарихи, маданий- маънавий меросини ўрганиш борасида олиб борилаётган ибратли ишлар, улардан ёшлар тарбиясида фойдаланиш бугунги кун талабидир. Аждодларимиз буюк маънавий мероси “Авесто”да маънавият ва таълим- тарбия тўғрисида илгари сурилган ўлмас ғоялар баркамол авлод тарбиясида ҳозир ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

REFERNCES

1. Каримов И.А. Юксак маънавият - енгилмас куч. Т.: Маънавият, 2008.Б.-31-32.
2. Авесто. Тарихий - адабий ёдгорлик. А.Маҳкам таржимаси, Т.:Шарқ, 2001.-Б.-14, 18-19, 114-115, 184-185, 208, 214.

3. Махмудова Г.Т. Авестонинг фалсафий моҳияти.-Т.: Ношир, 2015.-Б.- 155-160.
4.Махмудов Т.М. «Авесто» ҳақида. Т.: Шарқ, 2000.-Б.-23, 30 -35.
5. Ҳомиджон Ҳомидий. Авестодан Шоҳномага. Т.: Шарқ, 2007.Б.- 67,71.
6. Хўжамуродов И.Р.Авестода маънавият масаласи // Мулоқот, 1996,1- сони.-Б.-59-61.
7. Хўжамуродов И.Р. Авестода эътиқод масаласи //Ўзбекистон Аграр фани хабарномаси , 2013, 2-сони.Б.-91.
8. Хўжамуродов И.Р. “Авесто”да деҳқончилик маданияти. –Т.: Наврўз, 2018,-Б.-25-37.
9. Исхоқов М. Эзгу ўй, эзгу сўз, эзгу амал китоби.-Т.:2001.-Б.-18-21.